



Ажаб саволлар

ОСМОНГА ҚҮЙЛАР **УЧГАН**
2-бет

«ТЕРИ БОРМИ, ТЕРИ?»



4-бет



СОХТАЛИКНИНГ УМРИ ҚИСҚА

5-бет

ХОРИЖНИКИДАН ҮЗИМИЗНИКИ ЯХШИ...МИ?



Нуктаи назар

8-бет

Mustaqillik huquq demakdir

НУҚУШО

Fevral

D	3	10	17	24
S	4	11	18	25
Ch	5	12	19	26
P	6	13	20	27
J	7	14	21	28
Sh	1	8	15	22
Y	2	9	16	23

06

(269)

YURIDIK GAZETA

2003

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan.

E-mail: huquq@lnfonet.uz

Курбон ҳайитингиз муборак бўлсин!



RESPUBLIKA BOSH PROKURATURASIDA

ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида прокуратура органларининг мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни ташкил этиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида 2002 йилдаги фаолияти якунлари муҳокама этилди.

Йиғилишда Бош прокуратуранинг масъул ходимлари, вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютга оид жиноятларга қарши кураш департаменти ва унинг жойлардаги бошқармалари бошлиқлари қатнашди.

Мажлисида 2002 йил мобайнида амалга оширилган муайян ижобий ишлар билан бир қаторда қонунлар ижроси устидан назоратнинг айрим соҳаларида йўл қўйилган камчиликлар танқид қилинди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасидаги фаолияти мувофиқлаштириб келинган бўлса-да, кўзланган натижага эришилмагани оқибатида республика бўйича рўйхатга олинган жиноятларнинг умумий сони 3,9 фоизга ошган. Айни пайтда дастлабки тергов ва суриштирув устидан назорат қўйилган бўлиши боис, бу борадаги кўрсаткичлар, шу жумладан, жиноятлар туфайли етказилган моддий зарарни қоплаш масалаларида бир мунча ижобий натижаларга эришилгани қайд этиб ўтилди.

Шу билан бирга мамлакат иқтисодиётига жиддий зарар етказмаётган «хуфёна иқтисод» соҳасидаги жиноятларга қарши кураш борасида олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмаслигига алоҳида эътибор қаратилди.

Республика Бош прокурори Р. Қодиров фаолиятда йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳусусида тўхталиб, уларни бартараф этиш ҳамда прокуратура органларининг келгусидаги вазифалари борасида кўрсатмалар берди.

Бош прокуратуранинг тегишли тармоқ раҳбарларига жойлардаги прокурорлар билан биргаликда прокурор назоратининг барча соҳаларида мавжуд камчиликларни яна бир бор таҳлил қилиб, тегишли тадбирлар ишлаб чиқишлари, қўйи прокуратураларга нисбатан талабчанликни кучайтиришлари топширилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Республика Бош прокуратурасининг матбуот маркази

Моҳият

Расулдуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламдан сўрадилар: «Ё Расулдуллоҳ, мусулмонларнинг афзали қайси кишидир?». «Қўлидан ва тилидан бошқа мусулмонлар озор-топмаган кишидир» — деб жавоб бердилар.

XABAR

БМТ БОЛАЛАР ФОНДИ (ЮНИСЕФ) ВАКИЛЛАРИ НАМАНГАДА

Наманган вилоятининг Давлатобод туман прокуратурасига БМТ болалар фонди (ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Брендан Виго хоним ташриф буюрди. Ташрифдан кўзланган мақсад бу ерда ташкил этилган «Вояга етмаганлар билан ишлаш маркази» тақдимотида иштирок этиш ва бу борада туманда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишишдан иборат эди.

Маълумки, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан туман прокуратураси вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида бир йилдан буюн ўзаро ҳамкорлик қилиб келмоқда. Утган давр мобайнида бу борада бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Туман прокуратураси қошида «Вояга етмаганлар билан ишлаш маркази» ташкил этилгани шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, ҳамкорлик ўз самарасини берди. Утган йили олдинги йилларга нисбатан вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик 15,3 фоизга, ҳуқуқбузарлик 44,2 фоизга камайди.

Брендан Виго хоним ҳам ўзаро ҳамкорлик натижаларидан қониқиб ҳосил қилганлигини, бундай ҳамкорликни нафақат Наманган вилоятида, балки республика миқёсида кенг оммалаштириш мақсадга мувофиқ эканигини таъкидлади.

Чоршанбадан Чоршанбагача

5 февраль
Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Улғуржи савдо корхоналарини солиққа тортишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Улғуржи савдо корхоналарини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори матбуотда эълон қилинди.

Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг Қорақалпоғистон Республикасида ижро этилиши

ҳақидаги масала муҳокама этилди.

6 февраль
Олий Мажлис Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Олий Мажлис Раиси Э.Халилов олиб борган ушбу мажлисида парламент ва унинг раҳбариятининг 2002 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот кўриб чиқилди.

7 февраль
«Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни матбуотда эълон қилинди.

Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жағма-маси хомийлик кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлиси Президент Ислам Каримов бошқарди.

Пойтахтдаги Миллий матбуот марказида «Гендерга оид тадқиқотлар» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Семинар мамлакатимиздаги АҚШ элчихонасининг Ахборот, маданият ва таълим бўлими ҳамда «Ўзбекистон Фулбрайт ассоциацияси» нотижорат-нодавлат ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мактублар

Шикоятлар

Жавоблар

● Madadtalab maktilub

СУД ФИРИБГАРНИНГ ЁНИНИ ОЛМОҚДА

Дилмурод Қўлдошев деган киши 2000 йил июнь ойида бир танишим билан шихонамга келиб: «10 тонна бугдойим бор, ҳозир бозорда бугдойнинг нархи 50 сўм, оладиган киши бўлса 45 сўмдан 3 кун ичида келтириб бераман», — деди. Қариндошларим билан маслаҳатлашиб, 3 олла 10 тонна бугдой учун 450.000 сўм йўғдиқ ва мен, турмуш ўртоғим, почтам Тойшов ва Шоқирвалар билан бирликда пулни Д.Қўлдошевга санаб бердик. Бироқ 3 кун ўтди ҳамки, бугдой келмади. Биз Д.Қўлдошевнинг уйига бора бошладик, у эса эртага-индигна деб аздаб юраверди. Ниҳоят 2001 йил 18 феврал кунини Д.Қўлдошев айбини тан олиб, «пулларингизни ишлатиб қўйдим. 2001 йил июнь ойида 1 тонна зиёди билан, яъни 11 тонна бугдой сотиб олиб бераман» деди. Бу ҳақда тилхат ҳам берди. Белгиланган вақт келса ҳам бугдойдан дарак бўлмади. Д.Қўлдошевнинг уйига бораск: «Навоий бозорига чиқинлар, ўша ерда машинами сотиб, бугдойнинг нархи қанча бўлса 11 тоннанинг пулини бераман», — деди. Биз айтилган кунни бозорга чиқдик, лекин у келмади. Охири яна Д.Қўлдошевнинг уйига бордик ва турмуш ўртоғим унга машинани берсан деб туриб олди. Д.Қўлдошев эса: «2 тонна бугдой учун 200.000 сўм олиб туринлар, қолган 9 тоннасининг пулини бир ҳафтада машинани сотиб etkazаман», — деди. Шу билан бир ой кўтидик. Кейин турмуш ўртоғим асабийлашиб кетди ва у билан жанжаллашмоқчи бўлди, чунки ёлгон ваъдалар жонимизга теккан эди. Мен у кишини бир амаллаб кўндирдим ва 2001 йил октябрь ойида Д.Қўлдошевни судга бердим. 23 октябрь кунини Қўзғатилган судга қақриқ қозғоғи келди. Бордим, лекин Қўлдошев келмади. Бу ҳол 4 марта такрорланди. Ниҳоят суд Қўзғатилган бозорнинг маълумотномасига кўра бугдойнинг нархини 150 сўмдан белгилаб, Д.Қўлдошевдан менинг фойдага қолган 8 тонна учун 1.200.000 сўм, маънавий зарар учун 50.000 сўм, жами 1.250.000 сўм ундириши

ҳақида сирдан қарор чиқарди. Қарорнинг ижросини кўтиб юрдим. 2002 йил апрель ойида суриштирсам, ижро натижасиз турган экан. Ижрочи Д.Қўлдошевни қақиртириб, мен билан юзма-юз қилди. У адвокат олган, адвокат Б.Очилов кассақия шикоятни ёзган экан. 2002 йил сентябрь ойида фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят судига телефон қилиб суриштирсам, делонгиз кўришиб, архивга топширилган дейишди. Менинг иштирокимсиз 18 июль кунини Г.Мирзаева раислигида адолатсизлик билан ажрим чиқарилган экан. Навоий вилоят судига Б.Очилов менинг шайъимни, қадр-қимматимни топташ учун ёлгон маълумотлар тақдим этган. Гуёки Д.Қўлдошев менга пулни бериш учун бир неча бор уйимга борган эмиш, мен унинг 200.000 сўмини олиб, қолганини қайтариб берган эмишман... Д.Қўлдошев уйим қаерда эканлигини билмайди-ю, у ерга қандай боради? Ажримда шартнома тузилмаган дейишди. Фуқаролик кодексининг 733-моддасига биноан, қарз олувчининг тилхати ёки қарз беришнинг муайян сумма ёки ашёларни топширилганини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатлар мавжуд бўлса, қарз шартномаси ёзма шаклда тузилган ҳисобланади.

Шуларни ҳисобга олиб, ўзининг 2002 йил 18 июлдаги ажримини бекор қилишни сўраб фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят судлов ҳайъатига назорат тартибида кўриш учун қайта ариза бердим. Лекин суд кўрсатилган фактларини инобатга олмасдан асоссиз равишда ажримни ўзгартириш қолдирди.

Энди қаерга мурожаат қилайин? Ҳақиқатини қарор топтиришда ёрдам беришингизни сўрайман.

Халима КАРИМОВА,
Қизилтепа тумани «Ўзбекистон»
ширкат ҳўжалиги

● Minnatdorchiлик

САРСОНЧИЛИГИМИЗГА ЧЕК ҚўЙИЛДИ

Бизнинг «Ҳайдар бобо» фермер ҳўжалигимиз Нарпай туманидаги «Иттифок» ширкат ҳўжалиги ҳудудида ташкил этилган. Туман ҳўқимининг қарори билан ажратиш берилган 4 гектар ерда деҳқончилик қилиб, пахта, галла ва бошқа маҳсулотлар етиштирамиз. Ҳар йили шартномани бажариб келмоқдамиз. 1999 йил 9 август кунини ҳўқимиятга қайта рўйхатдан ўтдик ва 4 гектар ер бизга 50 йилга ичарага берилди. «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ пахтачилик ва галлачилик учун ажратиладиган ер майдонларининг энг кам миқдори 10 гектар бўлиши кераклигини ҳисобга олиб, еримизга туташ бўлган 6 гектар ерни ҳўжалигимизга қўшиб беришни сўраб 1998—2002 йиллар мобайнида «Иттифок» ширкат ҳўжалигининг собиқ раиси Х.Шукураллаева ва туман ҳўқими А.Жамилова 4 мартадан мурожаат этдик. Барча мурожаатларимиз зое кетди. Ҳатто бизнинг даво аризмизга асосан фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туман судининг бизга 6 гектар қўшимча ер ажратиши тўғрисидаги ҳал қилув қарори ҳам бажарилмади. Охири Самарқанд вилоят прокуратурасига ариза ёзишга мажбур бўлдик. Шундан сўнг Нарпай туман прокуратураси ходимларининг аризаларини билан фермер ҳўжалигимизга туман ҳўқимининг 2002 йил 5 ноябрдаги қарорига биноан 1,46 гектар қўшимча ер ажратилди. Шунисига ҳам шукур. Ушбу мактуб орқали муаммомизни ечишга кўмак берган туман прокурори Абдулла Тойлоқова, прокурорнинг катта ёрдамчиси Шавқиддин Эргашева миннатдорчилик билдирилди.

Тошмурод ХАЙДАРОВ,
Нарпай туманидаги «Ҳайдар бобо»
фермер ҳўжалиги раиси

ИМТИЁЗГА ЭГА ЭМАС

Бекобод тумани прокуратураси томонидан фуқаро Ф. Иброҳимованин аризаси текширилди.

Аниқланишича, Ф.Иброҳимова 1970 йилдан бошлаб «Далварзин» пахта тазалаш заводида ишчи бўлиб ишлаб келган. 1985 йил 5 апрель кунини ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса содир бўлиши оқибатида унинг чап қўли синиб, ногирон бўлиб қолган.

Ф.Иброҳимова 1985 йил 8 августдаги ТМЭК хулосасига асосан 2-гурӯх ногирони деб топилган. 1986 йил 21 августдаги ТМЭК хулосаси билан эса унга 3-гурӯх ногиронлиги белгиланган. 2002 йил 1 июлдан бошлаб ҳар ойда 7904 сўм 46 тийин 3-гурӯх ногиронлик пенсияси тўланмоқда.

Ф.Иброҳимованин ҳозирги яшаб турган уйи «Далварзин» пахта тазалаш заводи балансидаги икки қаватли бинода жойлашган. Бу уйда илгари шу корхонада мастер бўлиб ишлаб келган Н.Усмонов яшаган. Завод касба уюшма кўмитасининг 1991 йил 2 июлдаги 8-қарорига асосан Н.Усмонов яшаб турган 3 хонали уй Ф.Иброҳимованига берилган, Ф.Иброҳимова яшаб келган 1 хонали уй Н.Усмоновга берилган.

Бекобод тумани хусусийлаштириш бўлими ва БТИ мутахассислари томонидан ушбу ариза ўрганилди. Ф.Иброҳимова 3-гурӯх ногирони бўлганлиги учун корхона маъмурияти унга нақд пул тўлаш йўли билан уйни хусусийлаштириб олишга рухсат берган.

Ўзбекистон Президентининг 1992 йил 19 августдаги «Уй-жой фондиди хусусийлаштириш борасида кам таъминланган аҳолини ижтимоий химоя қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига биноан ишламайдиган 1- ва 2-гурӯх ногиронларига уй-жой бепул хусусийлаштириб берилиши лозим. 3-гурӯх ногирон Ф.Иброҳимова бугунги кунда корхонада фаррош бўлиб ишлаб келмоқда. Унга амалдаги қонунларга кўра у уй-жойни бепул хусусийлаштириб олиш имтиёзига эга эмаслиги тушунтирилди.

А.МАХМУДОВ,
Бекобод тумани прокурори

НИЗОМ ТАЛАБЛАРИ БУЗИЛГАН

Пахтачи туман прокуратураси «Сотиболди» маҳалласида яшовчи бир гурӯх фуқароларнинг маҳаллақўм раиси М.Бобонов кам таъминланган оилаларга нафақаларни тегишли тартибда тайинламаётганлиги, нафақа тайинлаш эвазига таъмагирлик қилаётганлиги тўғрисида «Qonun himoyasida» бирлашган тахририятга ёзган шикоят юзасидан текшириш ўтказди. Аризада номлари кўрсатилган 16 нафар фуқародан Алия Бозорова, Ойгул Бозорова, Жумагул Болбековалар ҳақиқатан ҳам тахририятга шикоят ёзганликларини тасдиқлашгани ҳолда, бошқа фуқаролар бундан хабари йўқлигини билдиришди.

Текшириш давомида шикоятдаги важар қилсан ўз тасдиғини тоғди, яъни О.Бозоровага икки нафар фарзанди учун 2002 йилнинг август-октябрь ойларида 10203 сўм, А.Бозоровага июль-октябрь ойларида 13161 сўм, Ж.Болбековага июль-октябрь ойларида 6359 сўм пул маблағлари кам тўланган. Фуқароларнинг 16 ёшга бўлган фарзандларига тўланиши лозим бўлган нафақалар бўйича ҳужжатлар кўриб чиқилганида июль-август ойларида М.Нарзиевага 7947 сўм, Ж.Сафаровага 6360 сўм; Б.Ҳайдаровага 1380 сўмлик тўловлар кам берилганлиги ва бу суммалар жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларидаги тўлов варақаларига қўшиб чиқариб берилганлиги аниқланди.

Нафақа тайинлаш ва тўлашда Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 437-қарори асосида ишлаб чиқилган низоми талабларини бузганлиги учун «Сотиболди» маҳалла қўмитаси раиси М.Бобоновга нисбатан интизомий ҳўқуқбузарликка доир иш кўзғатилди.

Ш. худойкулов,
Пахтачи тумани прокурори

АРИЗА КўРИБ ЧИҚИЛГАН

Собиқ милиционер Баҳодир Тагиев Самарқанд вилоят ИИБ бошлиғининг 2001 йил 4 октябрдаги 155-буйруғи билан Самарқанд шаҳар ИИБ ҳўзуридидаги қўриқлаш бўлими милиционерини вазиқасига тайинланган бўлиб, 4 ой мобайнида сабабсиз хизматга чиқмаганлиги, ўзига бириктирилган «Тойота» маркали хизмат машинасининг эҳтиёт қисмларини ўзбошимчалик билан олиб кетганлиги юзасидан ўтказилган хизмат текшируви натижасига кўра ишдан бўшатирилган. Б.Тагиевнинг ишга тиклаш тўғрисида илгари ёзган аризалари вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан кўриб чиқилиб, уни ички ишлар идораларига қайта қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас деб топилган.

И.ОЧИЛОВ,
Самарқанд вилоят
прокурорининг
биринчи ўринбосари

АДОВАТ БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Бобёут тумани марказий поликлиникаси мудирини Б.Раҳмоновнинг аризаси Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан текширилди. Шикоятдаги важар қисман ўз исботини тоғди, ҳақиқатан ўзаро шахсий адоват туфайли меҳнат жамоасида носоғлом вазият вужудга келган.

Туман марказий шифохонаси бош шифокори Б.Умурзоқов бу ҳолатга йўл қўйганлиги учун вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан расман огоҳлантирилди.

Ариза муаллифи Б.Раҳмонов ва Б.Умурзоқовлар юзма-юз қилинганда улар айбларини бўйинга олишди ва бир-бирларидан узр сўрашди.

Бобёут тумани ҳўқими Э.Дадабоевга пайдо бўлган муаммоларни ҳолисона ҳал қилиш ҳақида кўрсатма берилди.

К.ОҚБўТАЕВ,
Сирдарё вилоят ҳўқими
ўринбосари



✓ ISTE'MOLCHILAR HUQUQI QONUN HIMOYASIDA

Аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш учун энг аввало маблаг зарур. Шунинг учун ҳам жамият қадимдан иқтисодий муаммолар билан тўқнашиб келган.

Мамлакатимизда бозор муносабатлари шакллана бошлаган илк даврларданоқ хилма-хил мулк шакллари вужудга келди. Тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Тараққиётда иқтисоднинг сиёсатдан устунлиги ва ўтиш жараёнида давлатнинг бош ислохотчи эканлиги белгилаб олинди. Иқтисодиёт соҳасида узок муддатли ислохотлар ўтказила бошланди. Бу ислохотлар бугунги кунда қутилган самарасини бера бошлади. Аммо юртимизда иқтисод юксалгани сайин турли иқтисодий ҳуқуқбузарликлар ҳам тараққий этиб бормоқда. Энг ачинарлиси, сохта тадбиркорлар томонидан мамлакатимиз ҳудудига контрабанда йўли билан сифатсиз товарлар олиб келина бошлади. Натижада бозорларимиз ҳеч қандай ҳуқуқга эга бўлмаган чет эл маҳсулотлари билан тўлиб кетди.

Шу боис бу каби сохта тадбиркорлар фаолиятига чек қўйиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ички бозорни сифатсиз маҳсулотлардан химоя қилиш мақсадида тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш зарурати туғилди. Натижада 2002 йил 6 май куни Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги 154-қарори қабул қилинди.

Қарор талабига кўра, рўйхатдан ўтган жисмоний шахс Ўзбекистон ҳудудига товар олиб келганда божхона тўловини тўлаганигини тасдиқловчи ҳужжати мавжуд бўлгандагина уни сотиш ҳуқуқига эга бўлади.

Товар олиб келинишини тартибга солиш дегаанда, аввало, товарларнинг мамлакатга қонуний олиб кирилишини ва олиб кирувчилар ўртасида ҳақиқий рақобатни юзага келтиришни тушуниш керак. Чунки бир тадбиркор зарур ҳужжатларни расмийлаштириб товар олиб кирса, иккинчиси эса ҳеч бир ҳужжатсиз, ноқонуний равишда товар олиб кириб, солиқ ва йиғимларни тўламаса, шубҳасиз, қонуний ҳаракат қилган тадбиркор товарининг баҳоси юқори бўлиб қолади ва рақобатда ютқазади.

Шунингдек, олиб келинган товарни божхонада расмийлаштириш жараёнида ҳам қулайлик яратилди. Олдин олиб кирилган товарлар учун бож, қўшимча қиймат солиғи, мажбурий йиғим ва божхонада расмийлаштириш ҳақи алоҳида-алоҳида тўланар эди. Энди мазкур қарорга асосан фақат битта божхона тўлови тўланади, холос.

Мазкур қарорга қадар турли гайриқонуний йўллар билан мамлакатга олиб келинган товарлар бозорларда жисмоний шахслар томонидан тегишли ҳужжатларсиз, эркин сотилар эди. Сотувчилардан товар олиб келинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар талаб қилинмаганлиги учун гайриқонуний товар

СОХТАЛИКНИНГ УМРИ ҚИСҚА

Сирғали туманида яшовчи тадбиркор В.Луқьянов ҳам давлатга тўланиши лозим бўлган солиқ ва бошқа тўловларни ҳисоботларда қамайтириб кўрсатган. У Россияда фаолият кўрсатаётган хусусий тадбиркор, «Меридиан бизнес» маъсуляти чекланган жамият раҳбари Л.Мусина билан Республика агроҳўжаликсаноат универсал биржаси орқали расмийлаштирилган шартномага мувофиқ хар бири 430 минг сўмлик 1802 дона музлатгични божхона юк декларациясида 73 минг сўмдан деб, 40 минг сўмлик 972 дона музлатгич компрессорларини эса 9,5 минг сўмдан деб расмийлаштиради ва мамлакатимизга

барқарорлаштириш ва иқтисодиётдаги инфляция бўхронни сусайтириш имкониятини беради. Бу эса ўз-ўзидан макро ва микроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бугунги таҳлиллар шуни кўрсатадики, пул муомаласининг асосий қисми айнан солиқ тўлашдан қочиш ва назоратсиз даромад олиш мақсадида банкдан ташқарида амалга оширилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори бундай сохта тадбир-

келиш ва сотиш ишларини такомиллаштириш, ички бозорда рақобат муҳитини яратиш борасида олиб борилаётган ишларнинг ёрқин намунасиدير.

Бу қарорга кўра, мамлакатга олиб келинаётган истеъмол товарларида мувофиқлик сертификати мавжуд бўлиши керак. Шунингдек, юк олиб кирган қарорда билан виждонан шуғулланаётган тадбиркорларни химоя қилади. Шу билан бирга республикамизга олиб кирилган товарлар баҳоси билан бозор баҳосини таққослаб назорат қилинишини таъминлайди ҳамда юридик ва жисмоний шахслар олган даромадни солиққа тортиш имконини беради.

Мазмун-моҳиятига чуқур ёндошган ҳолда бу қарор Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорининг узвий давоми десак адашмаган бўламиз.

Аслида қонун, қарор ва фармонлар халқ манфаатини қўзлаб қабул қилинади. Очигини айтиш керак, ҳукумат қабул қилаётган юқоридаги ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳиятига эътибор берадиган бўлсак, бунда авваламбор истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари химояси ётади.

Кези келганда шуни айтиш керакки, истеъмолчи ўзи сотиб олган маҳсулот учун сотувчи берган чекни олиши, сотувчи чек бермаса, уни талаб қилиши шарт. Бу — қонун талаби, ис-

олиб кираган товарлари таннархини ниҳоятда усталик билан 672.700.000 сўмга қамайтириб кўрсатади. «Меридиан бизнес»га тегишли ушбу товарлар жуда кам устама билан хусусий тадбиркор «Луқьянов В.» ҳисобига ўтказилиб, у орқали тезда 13 нафар хусусий тадбиркорга сотиб юборилади. Суд устаси фаранг бу сохта тадбиркорлар фаолиятига қонуний баҳо берди. Мамлакатда ўтказилаётган ислохотларнинг самараси ўларок, бугун давлатнинг иқтисодиётдаги бевосита иштирокини қамайтириш, хусусий иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш ва

қорлар фаолиятига чек қўяди.

Жумладан, Шайхонтохур туманидаги «Сергей курилиз сервис» фирмаси фаолияти ўрганилганда, фирма раҳбари Сергей Митрофанов солиқ инспекциясига топширган ҳисоботларида товар-кредит айланмасини 314.697.000 сўм миқдорига кўрсатган. Лекин унинг фаолияти таҳлил қилинганда, 459.281.800 сўмлик товар-кредит айланмасини ҳисоботда кўрсатмай, ушбу суммадан тўланиши лозим бўлган мажбурий тўловларни яширилгани аниқланди. Бундан ташқари С.Митрофанов «Чорсу» савдо марказида ижарага олинган савдо нуқтаси орқали 396.243.100 сўмлик спиртли ичимликларни нақд



қатъий солиқ-бюджет ҳамда пул-кредит сиёсатини ўтказишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бунинг яққол далилидир. Маълумки, иқтисодиёт ривожланиши учун муомалага чиқарилган нақд пул банк муассасалари орқали айланиши керак. Чунки унинг банкдан ташқарида айланиши бюджетнинг даромад қисмига таъсирини кўрсатади, ўз навбатида пул-кредит сиёсатини ўтказишни қийинлаштиради, даромадни солиқдан яширишга имконият яратади.

Пул маблағларининг банкдан ташқарида айланишини қисқартириш бўйича чора-тадбирларни кўриш пул муомаласини

пулга сотиб, бу пулларни назорат-касса машинасида ўтказмаган. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, суд С.Митрофановнинг фаолиятига қонуний баҳо берди.

Бугунги кунда айрим ҳаридорларнинг 90-йиллардаги каби тарқалган юзага келади, деган гапларини эшитиб қоламиз. Лекин Ўзбекистонда ҳам сифат, ҳам сон жиҳатидан талабга жавоб берадиган истеъмол товарлари ишлаб чиқарилаётгани бу каби хавотирларга чек қўяди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 августдаги «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозоридида сотилишини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 295-қарорининг қабул қилиниши ҳам мамлакатимизга хориждан товар олиб

теъмолчиларнинг ҳуқуқини химоялаш йўлидаги муҳим омиллардан биридир.

Сўнги сўз ўрнида шуни айтиш керакки, давлатимизнинг иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш, ички бозорни химоя қилиш, иқтисодиётга оид ҳуқуқбузарликларга қарши кураш бундан кейин ҳам олиб борилаверади. Сохта тадбиркорлар ноқонуний фаолиятини қанчалик давом эттирмасинлар, эртами-кечми барибир қонун олдида жавоб беришади. Қонун эса ҳамма учун баробар. Қолаверса, қонунга ҳурмат — жамиятга, элу-юртга бўлган ҳурмат белгисидир.

Азамат ЭРҒАШЕВ,
Республика Бош прокуратураси
ҳуқуқдаги солиқ ва валютага оид
жиноятларга қарши курашиш
департаменти катта инспектори

MAVZUGA QAYTIB

«36-МАКТАБДАГИ НОРОЗИЛИК»

«HUQUQ», 2003 йил 22 январь, 3-сон

Ушбу мақолада Куйичирчиқ туманидаги 36-ўрта мактаб ўқитувчиларига маош, мукофот пули, касаллик варақаси ва пахта-ийгим теримида қатнашганлиги учун тўланиши керак бўлган маблағлар ўз вақтида берилмаётгани ҳақида ҳикоя қилинган эди.

Танқид ўз номи билан танқид. У ҳаммага ҳам ёқавермайди. Мақолага яқинда таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Тошкент вилояти кўмитаси раиси Ш.Йўлдошев имзоси билан «радия» олдик.

«КАСАБА УЮШМАСИ УЙҚУДА ЭМАС»

Мақолада муҳ(х)бир Зайниддин Мамадалиев томонидан келтирилган куйидаги «ўқитувчиларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қиладиган Республика касабаси уюшмаси Федерацияси Кенгашининг тармоқ уюшмаси эса ҳали ширин уйқуда», деб ёзган жумлалари ўз тасдиғ(ғ)ини топмади, чунки муҳ(х)бир З.Мамадалиев қандай фактларга асосланган ҳолда масалани чуқур ўрганмай мактаб, туман, вилоят ҳамда Марказий касабаси уюшма кўмиталарининг бу борада олиб бораётган ишлари билан танишмасдан туриб мақолани чоп этганигага ўзимиз х(х)ам х(х)айронмиз. Вах(х)оланки туман касабаси уюшмаси кўмитаси раиси Ф.Х.Есиркепова бир неча бор хат билан туман прокуратурасига, туман ҳокимлигига мурожаат этган. Куйи Чирчиқ туман прокуратураси ушбу масала юзасидан 2002 йил 9 январдаги туман кўмитаси раиси аризасига биноан 2002 йил 25 октябр(ь) куни 84-ш-сонли жавоб хати йўллаган. Жавоб хатида АТП «Пахта-банк»

нинг Дўстобод бўлимининг бошқарувчиси Байматовга нисбатан бюджет ташкилотларига иш ҳақи тўлови учун нақд пул билан таъминлай олмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик (тўғрисидаги) Кодексининг 175-моддасига асосан маъмурий иш кўз(ғ)атган. Бундан ташқари туман кўмитаси томонидан 2002 йил 19 август 35-сонли хати билан туман ҳокими Ж.О.Файзиёвга Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Мақамасининг «Иш ҳақини(нг) ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 88-сонли қарорининг амалга оширилмаётганлиги ҳақида хат билан мурожаат қилинган...

Ш.ЙЎЛДОШЕВ,
Таълим ва фан ходимлари
касба уюшмаси Тошкент вилояти
кўмитаси раиси

(Ушбу «радия» имловий ва ус-
лубий хатолари тўғриланмасдан,
қандай бўлса, шундайлигича берил-
ди — таҳр.)

ТАХРИРИЯТДАН:

«Мурожаат этган», «жавоб хати йўлланган», «иш кўзгатган», «мурожаат қилинган» — ниҳоятда чиройли сўзлар. Лекин, жаноб Ш.Йўлдошев! Бундан тумандаги ўқитувчилар нима наф кўрган? Энг кизиги, қарздорлик кун сайин «болалайверган». Биз мақолани чоп этишдан олдин Тошкент вилоят прокуратурасига ҳам муаммони ҳал қилишда кўмак беришни сўраб, расмий хат билан мурожаат қилдик. Кўп ўтмай Тошкент вилояти прокурори ўринбосари Ҳ.Махмудов имзоси билан жавоб хати келди. Уша хат ҳам мақола сўнггида берилди. Унда шундай дейилди: «...Аниқландики, 2002 йил ноябргача Куйичирчиқ тумани халқ таълими бўлимининг «Пахтабанк»нинг Дўстобод бўлимидаги ҳисоб рақамидан ноябрь ойи иш ҳақи учун 25,8 млн сўм, нафақа учун 14,6 млн сўм, пенсия учун 4,8 млн сўм, касаллик варақалари учун эса 8,4 млн сўм миқдоридан маъжуд бўлган. Лекин «Пахтабанк»нинг Дўстобод бўлимида нақд пул етарли бўлмагани учун туман ХТБ томонидан 36-ўрта мактаб ўқитувчиларига тўланмаган умумий маблағ 709,5 минг сўм бўлган...». Далиллардан кўз юмиб бўлмайди.

Сиз хатингизда мақоладаги «ўқитувчиларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қиладиган Республи-

лика касабаси уюшмаси Федерацияси Кенгашининг тармоқ уюшмаси эса ширин уйқуда» деган жумлалар ўз тасдиғини топмади» деб ёзибсиз. Агар уюшма мутасаддилари ўз вазифаларига виждонан ёндашганида 36-мактаб ўқитувчилари тахририятга шикоят ёзмаган, туманда ҳал бўладиган маош муаммоси Республика матбуотида кўтарилмаган бўлар эди.

Сиз ўз хатингизда «Туман касабаси уюшмаси кўмитаси раиси Ф.Есиркепова бир неча бор хат билан туман прокуратурасига, туман ҳокимлигига мурожаат этган» деб ёзибсиз. Ҳолва деган туман оғиз чучимайди. Буни сиз яши биласиз. Ўқитувчиларга Ф.Есиркепованинг юқори ташкилотларга ёзган хати эмас, маоши керак эди. Жаноб Ш.Йўлдошев! Бизнинг дилимизни бир ёруғлик равшан этди. Тахририят аралашувида сўнг 36-мактаб ўқитувчилари ойлаб олмаган иш ҳақларини олишди. Бироқ ойлик маошини ололмаган бошқа ўқитувчиларнинг аҳоли не кечади? Ушбу сатрларни ёзиш жараёнида биз Куйичирчиқ туман халқ таълими бўлимига кўнғироқ қилганимизда, ХТБ бош ҳисобчиси Саидрасул Эрвалиев ҳозиргача фақат 36-мактаб ўқитувчиларнинг ойлиги тўлиқ тўланганлигини, туман халқ таълими бўлими қол-

ган мактаблардаги ўқитувчиларнинг иш ҳақидан 23 млн. 526 минг сўм қарз эканлигини маълум қилди. Бунга нима дейсиз, жаноб Ш.Йўлдошев? Нима, улар ҳам ойлигини тўлиқ олишлари учун 36-мактабдаги ҳамкасбларидан ўрнак олиб, тахририятга шикоят ёзишлари керакми?

Тошкент вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Акмал Йўлдошевнинг бизга маълум қилишича, вилоят буйича шу йилнинг 3 февраль кунигача ўқитувчилардан қарздорлик 870 млн. 900 минг сўмни ташкил этар экан. Сизга яна бир нарсани эслатиб қўймоқчимиз. Республика Вазирилари Мақамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 4-бандида «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси хўжалик юртувчи субъектлар раҳбарларининг иш ҳақини ўз вақтида тўлашининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда рия қилиш устидан назоратни кучайтириш ҳамда иш ҳақи буйича муддати ўтказиб юборилган қарзлар ҳосил бўлган ҳолларда айбдор шахсларни жинойи жазолашга чавобгарликка тортсин» дейилган.

Шу ўринда мақола чоп этилган, Куйичирчиқ тумани ХТБ мудири О.Воҳидовнинг сизга йўллаган расмий хатидан парча келтирсак:

«Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Тошкент вилояти кўмитаси раиси Ш.Ш.Йўлдошевга.

Куйичирчиқ туман ХТБ Сизга шуни маълум қиладики, «Хуқуқ» рўномасининг 2003 йил 22 январдаги сонидан чоп этилган «36-мактабдаги норозилик» мақоласи барча таълим муассасалари ўртасида чуқур ўрганиб чиқилди. Ҳақиқатан ҳам, ноябрь ойида нақд пул тушуми кам бўлганлиги сабабли ушбу ҳолат ўз берган.

Ҳозирги кунга келиб:
— 162686 сўм 51 тиён «Наврўз» байрами учун мукофот пули;

— 2 ёшгача болалар учун берилмаган 145700 сўм нафақа пули;

— декабрь ойи учун 1.371.852 сўм 62 тиён иш ҳақи тўланди. Касаллик варақаси ва қарилик нафақалари учун 536689 сўм миқдоридан нақд пул тўланиб, мақолада қайд этилган камчиликлар бартараф этилди».

Жаноб Ш.Йўлдошев! Бу гаплар сизнинг «радия»нгиздаги «фактлар тасдиқланмади» деган даъвоингизни инкор қилмайди? Хулосани энди ўзингиз чиқаринг. Агар ушбу мақола билан Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Тошкент вилояти кўмитаси раҳбариятини «ширин» уйқудан уйғотган бўлсак, кечирасиз.

DEPARTAMENT FAOLIYATIDAN

Инсоннинг феъли қизик. Кўз кургур тўймайди. Қанча бўлса, яна шунча бўлсин дейди. Қачон боши тошга теккандагина қилмиши ҳақида ўйлаб қолади. Ҳамма ишни қонуний қилганимда бу кўргилик бўлмасмиди дея мулоҳаза қиладди. Лекин унда кеч бўлган бўлади.

Гапнинг индаллосини айтганда, ишлайман, пул топаман дейдиган инсон учун юртимизда имкониятлар етарли. Фақат қонунга зид ҳаракат қилинмаса бас. Лекин беш бармоқ баробар бўлмаганидек халқимиз орасида ҳам қўштирноқ ичидаги тадбиркорлар йўқ эмас. Улар билан суҳбатлашсангиз «юртга нафим тегсин, элимиз дастурхонини тўкин қилмоқчиман» дея тилидан бол томади. Тадбиркорлиги учун ҳокимиятда рўйхатдан ўтаётганда қонунга зид иш қилмаслиги тўғрисида ваъдани ҳам қуюқ қилишади.

ДИЁНАТ ЙЎҚОЛГАН ЖОЙДА...



Беруний туманида яшовчи Олмагул Рейимова ҳам солиқ идоралари қайд гувоҳномасини олгунча қонуний ишлаш, солиқларни ўз вақтида тўлаш тўғрисида анчагина ваъдани берди. Бироқ ишни бошлаб, қўлга жарақ-жарақ пул тушган, қонунни ҳам унутди. Фаолияти текшириб кўрилганда аниқланишича, у 1.836.000 сўм солиқ тўлаш ўрнига 153.000 сўм тўлаган. 1.683.000 сўмлик солиқни тўлашдан бўйин товлаб келган. Ушбу ҳолат юзасидан ЖКнинг тегишли моддасига биноан жиноят иши кўзгатилади.

Баъзилар эътироз билдириши мумкин; жиноят иши кўзгатилган бўлса, айбдор қонуний жазосини олади-ку деб. Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Олмагон Рейимовага ўхшаган «тадбиркор»лар битта-иккита бўлганда бу муаммони газеталарга олиб чиқиб дoston қилмаган бўлардиқ. Бундайлар ҳар бир туманда 10 тадан бўлса, бутун мамлакатда қанча бўлиши мумкин? Улар тўламаган солиқлар тўфайли давлат бюджети қанча зарар кўради? Хулосани ўзингиз чиқаринг.

Банк раҳбарлари тадбиркорларнинг энг ишончли шериги бўлиши керак. Бу борада «Пахтабанк»нинг Беруний бўлимида аҳвол қандай? Президентимизнинг «Ҳисоб-китоб механизмини такомиллаштириш ҳамда республика ва маҳаллий бюджетларга тўловларнинг тушишини рағбатлантириш чоралари тўғрисида»ги фармони ижроси юзасидан текшириш ўтказилганда банкнинг масъул мансабдор шахслари 8 ҳолатда пул маблағларини тегишли равишда прапорция қилмасдан бошқа ҳисоб рақамига ўтказганилиқлари аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилади. Тергов давомида давлат бюджетига 3.034.400 сўм маблағ ундирилди.

Вазирлар Мақамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги 415-қарорига асосан Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти фаолияти такомиллаштирилиб, унинг зиммасига ноқонуний валюта олди-сотдисиға қарши курашиш вазифаси ҳам юклатилди. Департамент ходимлари бу борада аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бораётганлигига қарамадан, айрим фуқаролар ўз манфаатларини ўйлаб, қонунга зид иш қилишмоқда.

Тезкор маълумот асосида ўтказилган рейд натижасида фуқаро Д.Абдуллаев ноқонуний равишда 100 АҚШ долларини 141 минг сўмга сотаётганда ушланди. Суд Д.Абдуллаевга 18100 сўм миқдоридан жарима солиб, 100 АҚШ долларини давлат ҳисобига ўтказди.

Хулоса шуки, яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланган тадбиркорларнинг иши ривожланиб бораверади. Қонунни бузган «тадбиркорлар» эса қилмишига яраша жазоланиши муқаррар.

М.МАДРАИМОВ,
Беруний туман прокуратураси ҳузуридаги
солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши
курашиш бўлими бошлиғи



Соҳил бўйи

ХАЛҚАРО ХАЁТ

АЭРОПОРТДА ФАВҚУЛОДДА ХОДИСА



AP агентлигининг хабар беришича, Туркия полицияси Истамбулдаги Отатурк аэропортида Малатья шахридан учиб келган А-310 самолётига қўшиб гаровга олинган икки кишини озод этишга муваффақ бўлди. Жиноятчи қўлга олинди. У портлатаман дея таҳдид қилган портловчи қурилма шунчаки муляж бўлиб чиқди.

Махсус операция бошланган пайти йўловчилар аллақачон самолётдан тушиб бўлишган, фақат экипаж аъзоларигина қолган эди. Ҳеч ким жабрланмади.

Хабарларга қараганда, самолётни Москвага учирлини талаб қилган жиноятчи Туркия фукаросидир. Жиноят содир этаётган пайтида у маст бўлган.

ЭҲТИЁТ ШАРТ

АҚШ маъмурияти эҳтимол тутилган террорчилик ҳаракатларига қарши кучайтирилган эҳтиёт чораларини кўрмоқда. Бу ҳақда AP агентлиги хабар тарқатди.

Мамлакат Миллий хавфсизлик вазирлиги билан таништирар экан, штат губернаторларини хавфсизлик чораларини кучайтиришга чақирди.

Оқ уй вакилининг сўзларига кўра, электростанциялар, атом объектлари, ҳарбий базалар, портлар, вокзаллар, кўприк ва туннелларни кўриқлаш ишлари кучайтирилади.

Илгари бундай юқори даражадаги хавфсизлик чоралари ўтган йилнинг сентябрь ойида, Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида террорчилик хуружи юз берганлигининг бир йиллиги муносабати билан қўлланган эди.

ИСРОИЛ СУДИНИНГ ҚАРОРИ

Исроил суди бир қатор террорчилик ҳаракатларида етказилган зарар туфайли Фаластин ҳукумати Egged автобус компаниясига 10 млн. доллар тоvon пули тўлаши лозимлиги тўғрисида қарор чиқарди. ВВС хабарига кўра, Egged раҳбарияти томонидан тайёрланган даъво аризасини Арофат маъмурияти рад эта олмагач, суд шундай қарорга келган. 2000 йил сентябрь ойидан бери компания автобуслари 50 мартадан ортик фаластинликларнинг ҳужумига учраган. Ҳужумларнинг камида 20 тасини ўлимни бўйнига олган террорчилар амалга оширишган.

Ўз навбатида Фаластин маъмурияти Исроил судининг ҳукмини «сиёсий аҳамиятга молик қарор» демокда. Қарорга мувофиқ компания тоvon пулини Фаластин мухториятининг банкларидаги Исроил ҳукумати томонидан «музлатиб» қўйилган ҳисоб рақамларидан олади.

Мухторият вакили Соҳиб Эрекатнинг баёнот беришича, фаластинликлар ушбу қарорга норозилик билдиришмоқчи.

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

Ta'asischilar:
O'zbekiston Respublikasi
Bosh prokuraturasi,
Toshkent shahar va
Toshkent viloyati
prokuraturalari,
«Onun himoyasida» jurnali

Bosh muharrir:
Abduxoliq
ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:
Mels Naimov,
Dilshod Islomov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Jahongir Sharofboyev
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Hasan Inoyatov,
Muxtor Shodmonov.

Gazeta Davlat matbuot qo'mitasida №00150 raqam bilan ro'yxatga olingan.
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232.

Manzil: Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-82-34.
Reklama va e'lonlar: 133-82-34
E-mail: huquq@infonet.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi.
Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Huquq» dan olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida ofset usulida A-3 formatda chop etildi.
Korxonaning manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 3149
Nusxasi — 20122

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi
Naybatchi muharrir:
Z.MAMADALIEV
Naybatchi: F.MAMASHARIPOV

Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8
Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00
Bosmaxonaga topshirildi 18.30

ИСТЕЪФО БЕРМОҚЧИ ЭМАС



Интернетдаги Ananova.com - инет хабар беришича, Ироқ президенти Саддам Хусайн ўз ихтиёри билан ҳокимиятдан воз кечса, Швейцария унга сиёсий бошпана бериши мумкин экан. Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия вакили Жан Циглернинг шу ҳақдаги таклифини мамлакат Ташки ишлар вазири Мишлен Кельми-Рей кўриб чиқмоқда.

Циглернинг таклифини Валлис кантони маъмурияти қувватлаб чиқди. Маъмурият раҳбари Томас Бюргенернинг эътирофи эътиҳа, урушнинг олдини олиш учун кантон С.Хусайнни қабул қилишга тайёрдир. Ушбу таклиф амалга ошиши учун Циглер ва унинг тарафдорлари ҳукуматни сиёсий бошпана бериш тўғрисидаги қонунга ўзгариш киритишга кўндиришлари лозим. Ҳозирги қонунга кўра, сиёсий бошпана фақатгина жиноятга алоқадор бўлмаган шахсларгагина берилиши мумкин. АҚШ ва Европадаги баъзи давлатлар эса С.Хусайнни бир қатор жиноятларни содир этганлиқда айблamoқда.


Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, Ироқ Ахборот вазири Мухаммад Саид ас-Саҳар президентнинг ихтиёрий истеъфоси ҳақидаги ҳар қандай гап-сўз нодонлиқдан бошқа нарса эмаслиги тўғрисида айтган.

«ҲУКУМАТНИНГ МАХФИЙ МУЛКИ» ҚИДИРИЛМОҚДА

Шу йил 1 февраль куни АҚШнинг «Колумбия» космик кемаси фазодаги ишларини якунлаб, Ерга кўниш чоғида фалокатга учраб, ундаги 7 астронавт ҳалок бўлишган эди. Ҳалокат натижасида космик кема бўлаклари мамлакатнинг Техас ва Луизиана штатлари бўйлаб сочилиб кетган. Ҳозирда уларни кидириш ишлари давом этмоқда. Асосий эътибор «Ҳукуматнинг махфий мулки» деб ёзилган мутлақо махфий аппаратни топишга қаратилган. Кидирувчиларга ускунанинг фотосурати берилган. Унинг олдий фукаролар кўлига тушиб қолишининг олдини олиш учун ҳукумат космик кема бўлақларини топиб олиб полицияга топширмаган ҳар қандай шахс 10 йилгача қамок жазосига ҳукм

қилиниши ва 250 минг доллар миқдорида жарима тўлаши тўғрисида қарор чиқарган. Бунинг боиси бор албатта. Houston chronicle газетасининг ёзишича, бу ерда гап Ердан шифрланган ахборот қабул қилган ускуна тўғрисида бормоқда. Айни пайтда ушбу ҳолат юзасидан 2 киши ҳибсга олиниб, 17 киши сўроқ қилинаёпти.

Таъкидлаш жоизки, йўқолган асбоб-ускуналарнинг умумий оғирлиги 4 тонна. Уларни топиб олиб, ихтиёрий топшириш мурддати ўтган жума куни тугаган бўлса-да, полициянинг тахминига кўра 75 киши космик кема парчаларини ўзида сақлаб турибди. Уларнинг рўйхати тегишли чора кўриш учун ФРБга топширилган.



Париж. Эйфель мивораси.

КОЛУМБИЯ ПОЙТАХТИДА ПОРТЛАШ

Жума куни кечқурун Колумбия пойтахтидаги машҳур тунги клублардан бири ҳисобланган E1 Noga'da портлаш содир бўлди. Мазкур клуб аксарият хорижий дипломатларнинг қароргоҳлари бўлган кварталда жойлашган эди.

Маҳаллий ҳокимият вакилларининг сўзларига кўра, ушбу портлаш ва ундан сўнг келиб чиққан ёнғин оқибатида 9 киши ҳалок бўлган, 100 дан зиёд киши жароҳатланган. Қутқарув хизмати вакилларининг тахмин қилишларича, қурбонлар сони бундан кўп ёки кам бўлиши мумкин. Ҳаммаси вайроналар ости тўлиқ текшириб чиқилганидан кейин аниқ бўлади.

Гувоҳлар портлаш ўн қаватли бинонинг учинчи ёки тўртинчи қаватида юз берганлигини айтишяпти. Полиция фожеа сабабини ҳалигача аниқлагани йўқ. Дастлабки тахминларга кўра, катта қувватли портловчи қурилма бино ичидаги стаяккага қўйилган машиналардан бирига ўрнатилган бўлиши мумкин.

NUQTAI NAZAR


«Тишларингизни кунига икки маҳал, эрталаб ва кечаси уқлашдан олдин ювишингиз керак. Ҳар гал овқатлангандан сўнг ҳам тишингизни ювишни унутманг. Лекин ҳамма вақт ҳам ёнингизда тиш пастаси ва чўткаси бўлмаслиги мумкин. Бу ўзига хос муаммонинг ҳам ечими мавжуд. Таркибида шакар бўлмаган баъзи сақичларни мунтазам чайнасангиз сизни карнес ва бошқа тиш касалликлари безовта қилмайди.»

«Лола» фабрикаси ўрнида «Pallada-Vostok» корхонаси фаолият кўрсатаётган экан. Фабрика тақдир эса алоҳида мавзу. Ҳуш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган тиш пасталари сифатли деб топилган, тиббий жиҳатдан фойдаланишга тасдиқланган, энг асосийси — нархи арзонлигига қарамастан нега биз чет эл пасталарини уч баробар қиммат-

мак, Ўзбекистонда косметик-парфюмерия маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўз ривожини кутаётган соҳалардан биридир.

Ҳуш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган тиш пасталари сифатли деб топилган, тиббий жиҳатдан фойдаланишга тасдиқланган, энг асосийси — нархи арзонлигига қарамастан нега биз чет эл пасталарини уч баробар қиммат-

ХОРИЖНИКИДАН ЎЗИМИЗНИКИ ЯХШИ...МИ?



Бундай маслаҳат ва тавсиялар охириги пайтда тез-тез қулоққа чалинадиган бўлиб қолди. Рекламаси оммалашиб кетган баъзи нарсалар ҳақида... сўз очмаслики лозим деб топдик. Албатта, мақола бошида келтирилган маслаҳатга риоя қилсак, фойдадан холи бўлмайди. Қолганлари эса ўзимизга ҳавола. Мазкур мақолада гап реклама ҳақида ҳам, сақич ҳақида ҳам эмас. Мақола Ўзбекистонда парфюмерия-косметика маҳсулотлари ишлаб чиқариш қандай йўлга қўйилганлиги ҳақида.

Одатий дам олиш кунларидан бирида бозор қила туриб қизик вазиятга дуч келдим. Балки сиз ҳам шундай ҳолатга тушгандирсиз. Хуллас, харид қилишим керак бўлган нарсалар рўйхатида на-вбат тиш пастасига келди. Мана, олдимда 20 хилдан зиёд ранг-баранг қадокларда тиш пасталари, фақат танлаш қолди. Бу менинг биринчи марта тиш пастасини сотиб олишим эмас, лекин доим осон кечган жараён ўша кун негандир чўзилиб кетди. Балки бу мен одатда фойдаланадиган тиш пастасини тополмаганимдандир. Сотувчи «энг яхшилари» дея қўлимга уч хил тиш пастасини тутқазди. Бирининг таркибида ўсимликлар экстракти бор, иккинчиси лимон мазада, бошқасининг нархи арзонроқ. Қайси бирини олсам экан дея ўйлаб қарасам, қўлимдаги тиш пасталаридан биронтаси ҳам ўзимизда ишлаб чиқарилмаган экан. Узоқ иккиланишлардан кейин биттасини сотиб олдим. Сўнг шу вазиятда вужудга келган саволимга жавоб излай бошладим. Йўлим тушган дўконлардан, расталардан ўзимизда ишлаб чиқарилган тиш

пастаси борми деб сўраганимда сотувчилар 4-5 хил пасталарни кўрсатишди. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган тиш пасталари ҳам жуда чиройли қадокланган, асосийси — нархи чет элникига (нархи 1000-1500 сўм атрофида) қараганда уч баробар (эслаб қолганларимдан бири — 350 сўм) арзон. Ҳамма гап фақат уларнинг сифатига келиб тақалади. Сотувчилардан бу ҳақда сўраганимда улар иштиёксизлик билан «бўлади» деб қўйишди. Албатта, савдо ходимлари саволга ўз тажрибасидан эмас, балки харидор талабидан келиб чиққан ҳолда жавоб беришди. Демак, ўзимизда ишлаб чиқарилган пасталарнинг нархи импорт маҳсулотлардан анча арзон бўлишига қарамадан харидор эътиборидан четда қоляпти. Муаммо нимага бориб тақалапти: сифатгами ёки...

Бу бахс-мунозаларга бой, айниқса бугунги кундаги долзарб масала ҳақида кўп гапирishi мумкин. Республикаимиздаги йирик косметик-парфюмерия ишлаб чиқарувчи корхоналар билан қизқча бошладим. Биринчи навбатда «Лола» фабрикаси ҳақида эсладим. У жойлашган манзилга бориб билдимки, ҳозирда

фюмерия ишлаб чиқарувчи «Калина» концернига тегишли. Бугунги кунда «Pallada-Vostok»да 80 хилдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Булар — кир ювиш воситалари, шампун, косметик крем ва геллар, соқол ортиш учун турли воситалар, 10 турдан ортиқ тиш пасталари. Бу ерда болалар учун ҳам турли крем ва тиш пасталари ишлаб чиқарилади. 2002 йилдан бошлаб бизнинг минтақага мўлжалланган «Йодбар» тиш пастасини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бугунги кунда «Pallada-Vostok»дан бошқа косметик-парфюмерия ишлаб чиқарадиган корхона кўзга ташланмайди. Кичик корхоналар бор албатта, лекин уларнинг ишлаб чиқариш ҳажми кам. Баъзиларнинг маҳсулотлари талабга жавоб бермайди. Де-

га сотиб оламиз? Бу саволни танишларимга берганимда улар «бизнинг тиш пасталаримиз сифати чет элникидан анча паст» деб жавоб беришди. Аслида эса уларнинг биронтаси ҳам ўзимизда ишлаб чиқарилган тиш пасталаридан фойдаланиб қўришмаган. Очиғи, ўзим ҳам. Бунинг сабаби нимада: импорт товарларга бўлган кўнникимиздами ёки ўзимизнинг товарларимиз сифатига бўлган ишонсизликдами?

Бу саволга ҳар ким хар хил жавоб бериши аниқ. Тахририят мазкур мавзуга оид мулоҳазаларингизни кутадим.

Жаҳонгир МАХСУМОВ,
«HUQUQ» муҳбири

Словотўртинг кроссвордига асосланган кроссворд. Кроссворднинг асосий қисми ва қўшимча сўзлар кўрсатилган.

SHOV-SHUV
СУЊИЙ ЮРАК БИЛАН
АҚШнинг Кентукки штатида яшовчи Том Критерсон деган киши ўтган жума кунни 71 ёшида вафот этди. Хўш, нима бўпти дерсиз? Гап шундаки, бундан бир ярим

йилча олдин соғлиғи ҳаддан зиёд ёмонлашганлиги туфайли операция қилиниб, унинг юраги ўрнига Abiocoг маркали суњий юрак ўрнатилган эди. Критерсон суњий юрак билан 17 ой яшаб, ўзини ёмон ҳис қилаётганлиги учун икки ҳафта аввал госпиталга ётқизилганди. Вафот этишидан икки кун олдингина врачлар касаллик сабабини аниқлай оlishган. Врач Лэмэн Грейнинг сўзларига кўра, барча текширувлар Abiocoг мембранаси табиий равишда емирилиб кетганлигини кўрсатган.

Докимлангилар:
«Туноҳ ҳар қанга буюк бўлса ҳам, авф савоби чиндан ҳам буюкроқдир», — деганлар.
9-саҳифа

ДОНОЛАР ЕМИШКИ...

Ибн Абу Аво: «Молнинг баҳосини суњий оширишувчи одам судхўр, хоин ва алдамчи бўлиб, тоғани ҳалол эмас», — дейдилар.

Абу Зарр: «Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитманман», — дейдилар: «Бузуқ ва кофир бўлмаган одамни бузуқ ва кофир деган одамнинг ўзи бузуқ ва кофирдир».

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Энг ёлғон гап — икки кўзинг билан кўрмаган нарсангни кўрдим, демоғинг-дур!» — дедилар.

Саҳоба Аммор айтганлар: «Куйидаги учта ҳислатни ўзида мужассам қилган кишининг иймони мукаммал бўлгайдир: — инсофли ва адолатли бўлмоқ; — барчага салом бермоқ; — камбағалликда ҳам садақа олиб турмоқ».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Одамларнинг ҳар бир ўзаро салом-олиғи учун савоб ёзилур. Ҳар бир куёшли кунда (яъни, бу дунёда) одамлар ўртасида қилинган адолат учун савоб ёзилур!» — деб марҳамат қилдишлар».

Имом ал-Бухорийнинг «Солиҳ амаллар» китобидан

ОЧДАН ҚОЧ!

Очлик тирик жонни нималарга мажбур қилмайди дейсиз. Германия жанубидаги Леррах шаҳри яқинида оч қарғалар галаси 19 та кўйни ўлдирган. Йорген Фриц деган чўпоннинг сўзларига кўра, қарғалар ҳужумига ушбу ҳудудда ёққан қор сабаб бўлган. Ердан табиий озик топиши қийинлашган қушлар кўйларга ташланишган. — 500 кўйдан иборат сурувни бирийўла кўриқлай олмайман. Бунга имконим бўлган тақдирда ҳам ҳеч нима қилолмас эдим, негаки, немис конунларига кўра, қарғалар давлат ҳимоясидадир, уларни отиш таъқиқланган, — дейди Йорген журналистларга.

Ўтганларнинг охираги обод бўлсин!
«Onun himoyasida» бирлашган тахририяти жамоаси бўлим муҳаррирлари Шавкат Ёдгоров ҳамда Фазилат Ёдгороваларга отаси **Маҳмуджон Ёдгоров**нинг вафот этганлиги муносабати билан чўкур ҳамдардлик изҳор этди.